

## АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”да белгиланган тадбирларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2018 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги №233-сонли буйруғида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида **2018 йил 23-24 ноябрь кунлари “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари”** мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Анжуман доирасида ялпи мажлис ва қуйидаги секциялар иши режалаштирилган:

- *Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшлар ижтимоий-фалсафий тафаккурни шакллантириш зарурияти;*
- *Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг аҳамияти;*
- *Фуқаролик жамияти ривожда ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-руҳий омиллари;*
- *Миллий маънавий мероснинг баркамол авлодни тарбиялашдаги роли.*

Анжуман тиллари: ўзбек, рус ва бошқа хорижий тиллар.

Анжуман иштирокчилари мақолаларида секция ва мақола мавзуси, мақоланинг қисқача аннотацияси, муаллиф (исми, шарифи, ва электрон манзили) ҳақида маълумот беришлари керак.

**Анжуманга мақолаларни қуйидаги тартибда тақдим этилиши сўралади:**

Маъруза материаллари MS WORD Times New Roman (14) шрифтида расмийлаштирилади. Қоғоз ўлчови А4 (210-297) Юкоридан 2 см, қуйидан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см жой қолдириш керак. Мавзунинг номи катта ҳарфлар билан қорайтирилиб, қоғознинг ўртасига автоматик тарзда келтириб ёзилади, кейинги қаторда маърузачининг исми фамилияси ва иш жойи ёзилади. Қатор орасидаги интервал 1,5 бўлсин. Маъруза материаллари таҳрирдан ўтгандан сўнг чоп этилиши кўзда тутилган (таҳрир маърузачи зиммасида). Маъруза қоғоз ва электрон шаклда топширилиши лозим.

Анжуман материаллари муаллифлар ҳисобидан чоп этилади: ҳар бир саҳифа учун 15 (ўн беш) минг сўмдан, мақолалар таҳрирдан ўтгандан сўнг чоп этилади.

Анжуманда иштирок этувчилардан **2018 йилнинг 20 октябрига** қадар мақолаларни тақдим этишлари сўралади.

Анжуман ва мақолаларни чоп этилиши бўйича қўшимча маълумотлар учун анжуман қўмитасига мурожаат этишингиз мумкин.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93 уй**  
**Телефонлар: (99891) 550-35-33, (366) 233-78-43, 233-78-73**  
**E-mail: [dilrabo1971@mail.ru](mailto:dilrabo1971@mail.ru); [bekpulat2010@mail.ru](mailto:bekpulat2010@mail.ru)**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**